


Атом электр станциясынын схемасы



3-сүүрет

Үйге тапсырма:

1. Ўзбекстанда атом электр станциясы қашан қурылады?

2. 10 грамм Уран $^{235}_{92}\text{U}$ жанғанда бөлинип шығатуғын энергияны қанша тонна көмір жаққанда береді. Уран ядросы бөлінгенде шама менен 200 МэВ энергия бөлинип шығады.

3. Суткасына 200 грамм $^{235}_{92}\text{U}$ сарпланғанда егер де, пайдалы жұмыс коэффициенті 25% ке тең болғанда атом электр станциясының қуатлығын анықлаң. Сабқтың соңында атом электр станциясы, радиоактивтік хәдийсеси хәм ядролық реакция туұралы билимлерди улыўмаластырыў керек.

Әдебиятлар

1. Сауров Ю.А. Физика. Поурочная разработка 11 класс. –Москва: «Просвещение», 2017.
2. Сивухин Д.В. Общий курс физики. Ядерная физика. Т.5. –Москва: 2014.
3. Жумамуратов А., Жумамуратов М.А. Атом ядросы хәм элементар бөлешкелер физикасы. –Ташкент: 2016.

РЕЗЮМЕ

11-синф оқувчиларига «Ўзбекистонда атом электр станцияси» мавзуйини ўқитиш услубини яратиш. Бу мавзу Ўзбекистонда атом электр станцияси мутахассислар таёрлашда катта роль ўйнайди.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается описанию методической разработки по теме «Атомная электростанция в Узбекистане» для учащихся 11^{го} класса. Она содержит ценный материал для подготовки будущих специалистов атомных электростанций.

SUMMARY

The article is devoted to the description of methods in teaching the topic “The atomic electrical power station in Uzbekistan” for the 11 grade learners of general educational schools. It contains the valuable material for training future specialists of atomic electrical power-stations.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИ ТАРБИЯНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Қ.Қадилов – филология фанлари номзоди

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: янги Ўзбекстон, миллий ғоя, узлуксиз маънавий тарбия, концепция, ватанпарварлик, ватанга садоқат, олий таълим, талаба ёшлар, бешта муҳим ташаббус, маънавий асослари.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, национальная идея, непрерывное духовное образование, концепция, патриотизм, верность Родине, высшее образование, студенческая молодежь, пять важных инициатив, основы духовности.

Key words: new Uzbekistan, national idea, continuous spiritual education, concept, patriotism, loyalty to motherland, higher education, student youth, five important initiatives, bases of spirituality.

Ўзбекистон «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» тамойили асосида тараккиётнинг янги босқичига кадам қўйди. Бундай шароитда мамлакатимизда ёшлар тарбиясини замонавий асосда, яъни бугунги куннинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил қилиш, амалга ошириладиган ишларни танқидий кўз билан баҳолаб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, мазкур соҳага инновацион фикрлаш орқали янги механизмларини жорий қилиб, янги босқичга кўтариш вақти келганлигини даврнинг ўзи тоқоз қилмоқда.

Мухтарам Президентимиз қачон қаерга бормасин, ёки қандай масалада маъруза қилмасин, албатта, ёшлар масаласи, уларнинг ғоявий тарбияси ҳамда бугунги ва келажак тақдири хусусида кенг тўхталди.

2019 йил 23 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва жамиятда ўқитувчи макеини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор мажлисида таълим тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаш зарурлиги, билим беришда чет елдаги илгор тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суяниш муҳим эканлиги, шунингдек, мактаблардаги маънавий тарбиявий ишларни янги асосда ташкил этиш мақсадида мавжуд бўлган «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари», «Динлар тарихи» каби фанларнинг ўрнига, умумлашга ҳолда янги «Тарбия» фанини жорий қилиш зарурлигини қайд этган эди.

Шу муносабат билан, ўсиб келаётган ёш авлодини ҳар томонлама баркамол шахс қилиб тарбиялаш,

мушаккил ҳаёт учун зарур ижтимоий қўникма ва фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантириш мақсадида 2019 йил 31 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1059-сонли қарори қабул қилинди. Мамлакатимиз томонидан аҳолининг, айниқса ёшлар тарбияси билан боғлиқ вазифаларни тизимли ва самарали ташкил этиш, фарзанд тарбиясида ўнинг ҳомиладорлик давридан бошлаб 30 ёшгача давом этадиган узлуксиз маънавий тарбия Концепциясининг ишлаб чиқилиши давлатимиз тарихида олдин кузатилмаган муҳим қадамларидан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Концепцияга мувофиқ, тарбияга янги, тизимли ёндашув, бунда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-хўна ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқариши ва улар орасида миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида тарбиянинг илмий-методик узвийлигини янги даражага кўтариш назарда тутилган.

Қабул қилинган Концепцияда жамиятимизда ёшлар тарбияси билан боғлиқ бир қатор муаммоларнинг ҳам борлиги таъкидланган, яъни ёшлар онгида Ватанга садоқат, буюк ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар назарий тушунчалар сифатида қолиб кетгани, айирим ўқувчи-ёшларда юксак мақсадларнинг шаклланимаганлиги, ирода, матонат, тиришқоқлик етарли ривожланмаганлиги сабабли таълим сифатида ҳам зарар кўрсатилаётганлиги, маънавий тарбия соҳасида ўқитувчиларнинг фаолиятини методик таъминловчи ўқув материаллари, тарбия соҳасига оид

методик қўлланмалар, зарур дарсликлар етарли эмаслиги ва бошқа бир қатор масалалар келтириб ўтилган. Таъкидлаш лозимки, қабул қилинган Концепцияда ўшбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги асосий муҳим вазифалар белгиланган:

- маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;
- тарбиянинг ҳомиладорлик давридан бошлаб, вояга етгунига қадар давом этадиган узлуксизлик тамойилларига асосланган методикасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;
- бола тарбиясида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш;
- тарбия соҳасига оид методик қўлланмалар, зарур дарсликларни яратиш;

- тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб бориш [4].

Шунингдек, мазкур Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси қуйидаги тўртта босқичларни қамраб олади: биринчи босқич - оилаларда (ҳомила даври, бола туғилгандан кейин 3 ёшгача бўлган давр);

иккинчи босқич – мактабгача таълим 1-6 (7) ёшгача бўлган давр;

учинчи босқич – икки босқичли умумий ўрта таълим: 1-босқич (7 (6) 10 ёш бошланғич синф, 2-босқич 11-17 (18) ёш);

тўртинчи босқич: ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган, шунингдек, ўрта махсус касбхуна ва ОТМ тизимидаги ёшлар қилиб белгиланган [4].

Кўриб турганимиздек, Концепцияда олий таълим тизимига алоҳида вазифалар белгиланган. Бунда Олий таълим тизими ўқув дастурлари, маънавий-маърифий режалари асосида ўқувчи-талабаларнинг ёшига мос таянч маънавий-ахлоқий фазилатлар-Ватанга садоқат, тadbиркорлик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварликни ривожлантириш масалаларига кенг этибор берилган.

Олий таълим муассасаларида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида тарбиялашда инобатга олиниши лозим бўлган жиҳатлар қуйидагича белгиланган:

- ижтимоий-гуманитар фанлар, маънавий-маърифий тadbирлар орқали талаба-ёшларда маънавий тарбия индикаторлари ва компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи билим, кўникма ва малакаларни таълим-тарбия мазмунига сингдириш ва уларни алаётга қўллай олиш имконини берувчи амалий машқ, топширик ва педагогик вазиятлар билан бойитиш;

- талаба-ёшларда замонавий билимларни эгаллаш, медиа маданиятни ривожлантириш, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш, хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўрганишни рағбатлантириш;

- касбий-маънавий кўникмаларни мустаҳкамлаш, ўзини-ўзи тарбиялашга ўргатиш;

- фаол фуқаролик позициясини кучайтириш;

- илмий, маънавий-ахлоқий, сиёсий дунёқараш ва соғлом диний эътиқодни шакллантириш;

- бахтли оилавий ҳаёт, фарзанд тарбияси учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат. Шу билан бирга «Фазилатли авлод» руқнида ўқувчи-талабалар, мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ота-оналар, вазирлик ва идораларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича маъсуллари учун ўқув-қўлланмалар, услубий тавсиялар, маърифий адабиётлар, медиа маҳсулотлар, илмий-методик қўлланмалар яратиш белгиланган.

Энг асосий вазифаларнинг бири олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган тўғарақлар фаолиятини «Беш муҳим ташаббус» асосида ривожлантириш ва олий таълим муассасалари мураббийлари, профессор-ўқитувчилари, ёшлар етакчиларини «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси»ни амалга ошириш мақсадида малакасини ошириш назарда тутилган.

Мамлакатимизда узлуксиз маънавий тарбия Концепциясини ҳаётга тadbик қилиниши натижасида ёшларнинг Ватанга садоқат, меҳр-оқибатлилик, меҳнатсеварлик, мафкуравий иммунитетининг мустаҳкам бўлиши, руҳан ва жисмонан кучли шахс бўлиб камол топиши каби компетенциялари билан мустақил ҳаётга кириб боришлари учун шароитлар яратилади.

Мухтарам Президентимиз 2019 йилнинг 27 декабрь куни ёшлар билан учрашувида бугунги глобаллашув шароитидаги хавф-хатарлар ва мафкуравий хуружлар ҳақида фикр юритар, маърифатпарвар бобомиз Фитратнинг «Бу дунё кураш майдонидир, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир», деган сўзларини ёдга олди. Ва ўз фикрини давом эттириб, «Биз янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қура-миз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида тadbи-лиш йили бўлади [5]. – деб таъкидлашлари замирида теран маънолар бор, албатта!

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги глобаллашув жараёнида айрим ка-бих кучлар томонидан ўзининг стратегик максалларини кўзлаб, ёвз ният билан амалга ошириладиган бундай ғаразли ишлардан халқимизни, айниқса, ёшларимизни оғох этиш, миллат ва элатларни бир-бирига карама-карши қўйишга ў-ринларнинг ҳақиқий маъносини, уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини очиб бе-ришда, одамларни хушёр ва сезгир бўлиб яшашига, му-саффо осмонимизни, тинч ҳаётимизни кўз қорачигидек асраш ва кадрлашга даъват этишда мазкур Қарор дастурул амал хизмат қилади. Қарор тўлалигича мазмун-моҳияти билан тарбия жараёнининг янгича си-фат ва мазмун жиҳатдан ошишига, уларнинг ғоявий тарбиясида йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилишига, хул-лас, бугунги ёшларимизнинг эртанги ёрқин келажагига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Адабиётлар

1. Қаримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: «Ўзбекистон», 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимиз ва Олий Мажлиснинг 2019 йилдаги таракқиётининг устувор йўналишлари бўйича Олий Мажлисга Мурожаатномаси». –Тошкент: 2018 йил, 28 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрь куни «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси-ни тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-tadbирлари тўғрисида»ги 1069-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 27 декабрь кунги Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувида қилган маърузасидан.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда янги қабул қилинган «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси»нинг мазмун моҳияти ва унинг жамиятимиз ривожига ҳамда ёшлар тарбиясидаги ўрни масаласига қаратилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена сути недавно принятой концепции непрерывного духовного образования в Узбекистане и ее роли в развитии нашего общества и воспитании молодежи.

SUMMARY

This article focuses on the essence of the recently adopted concept of Continuing Spiritual Education in Uzbekistan and its role in the development of our society and the education of youth.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЭСТЕТИК ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Г.Т.Куттибекова - катта ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика институти


Таянч сўзлар: тарбия, ёш авлод, ҳаётий тажриба, нафис санъат, гўзал, табиат, меҳнат, эстетик дид, синф жихозлари, гўзал одоб, фикр.

Ключевые слова: воспитание, молодое поколение, жизненный опыт, изящный, прекрасный, природа, труд, эстетический вкус, классное оборудование, прекрасное воспитание, мысль.

Key words: upbringing, young generation, life experience, nature, exquisite, beautiful, nature, labour aesthetic taste, classroom equipment, appropriate behavior, idea.

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантиришда синф жамоаси етакчи куч сифатида иштирок этиши белгиланган, бу эса қўйилган мақсадга эришишни кафолатлайди. Маълумки, болалар жамоаси катта куч ҳисобланади, бундан самарали фойдаланиш йўллари топиш муҳимдир. Маълумки, ўқувчиларининг хилма-хил фаолияти айнан синфда бўлиб ўтади. Бошланғич синфларда ўқувчилар жамоасини тузиш ва уни талаб даражасида жипслаштириш ўқитувчига жуда катта қийинчиликлар туғдиради. Бунинг биринчи сабаби бошланғич синфларда ўқувчилар таркиби мутлоқ янги бўлади. Шунинг учун ҳам янги ўқувчилар таркибидан янги ўқувчилар жамоасини тузишга тўғри келади. Бунда синф раҳбари ўқувчиларга ҳар томонлама нафис, гўзал, эстетик завқ бера оладиган даражада муносабатга киришиши эстетик тарбияни шакллантиришнинг биринчи талаби ҳисобланади. Бир қатор педагогик олимлар (С. Ражабов, А. Мунавваров, Кўзиевлар) жамоатни таркиб топтириш ва жипслаштириш йўллари кўрсатади.

Айнан шу жамоа таркиби фаолияти замирида, нафосат тарбиясини таркиб топтириш бир қатор қулайликларни яратади. Шунинг учун жамоа тизимига алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик.



1. Жамоатчилик вазифалари. Биринчи синфдан бошлаб, ҳар бир ўқувчига ўзининг қизиқишига қараб вазифалар юклаш керак. Чунки ўқувчининг зиммасига юклатилган вазифа уларни жипслаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, синфдаги барча ўқувчиларга жамоавий вазифалар юклатилиши шарт. Улар вазифаларни бажариш жараёнларида гўзал ҳаракатларни бажаришга одатланади. Бу эса ўз ўзидан болаларни меҳнатсеварликка ундайди. Қилинган меҳнат самараси болаларга завқ бериши табиийдир.

2. Синф фаолларини аниқлаш. Синф раҳбари дастлабки кунларданок ўқувчиларни жамоат топшириқлари орқали кузатиб бориб, қайси бола нимага қодир эканлигини англаб етади ва шунга мос равишда уларга синф сардори, гуруҳ етакчиси, муҳаррир каби амаллар берилади. Ҳар бир болага юклатилган вазифалар ва уларнинг юки тушунтирилади. Ўқувчиларга доимий равишда бирга ҳаракат қилиш механизми уқтирилиб борилади. Болалар билан биргаликда турли кечалар, тадбирлар ўтказилиши борабарида эстетик тарбия амалга оширилб борилади.

3. Истикболли режалар тузиш. Истикболни кўрсатиш – бу болаларда келажакка бўлган иштиёқини

ошириш демакдир. Бир жамоа бўлиб истикболли режалар тузиш, ўқувчиларда умумий завқ-шавқни уйғотади. Булар

- байрамга тайёргарлик;
- кувноқлар ва зукколар;
- баҳор байрами;
- мавсум қўшиқлари;
- сайр-томошаларга чиқиш;
- кино-театрларга жамоа бўлиб бориш;
- буюк сиймолар;
- юртимиз пасбонлари;
- Зульфия издошлари;


Сўнгра ўқувчилар олдида унга қараганда мураккаброқ истикболли вазифалар қўйилади: синф кечасини тайёрлаш, драматик тўғарак ташкил қилиш, олимпиадаларда қатнашиш ва бошқалар.

4. Синф жамоасига ижобий, ижодий ишларни ўргатиш.

Синф жамоасига ижобий, ижодий ишларни ўргатиш доимий равишда ўқувчиларда бунёдкор ғояларнинг туғилишига замин яратади. Болаларда ижтимоий дунёкарашни шакллантиради, урф-одатларга нисбатан ижобий муносабатларни таркиб топтиради, ижтимоий тартиб ва ҳулқ-атвор дастурларига нафосат одатларини киритади. Қилинадиган ҳар бир ишга ижод нуқтайи назаридан ёндашиш кўникмалари шаклланади.

5. Барчага бирдек талаб қўйиш ва муносабатда бўлиш. Ўқувчиларга ягона бирдек талаблар қўйиш жамоада жипслашувга сабаб бўлади. Ўқувчиларга қўйилган талаблар жавобгарлик муносабатини шакллантиради. Ҳар бир бола ўзаро талабчан ва гўзал муносабатда бўлишга одатланади. Бу эса ўз ўзидан эстетик тарбияни янада юксалтириш кераклигини англайди.

Эстетик тарбия бошланғич синф ўқувчилари учун сув ва ҳаводек зарур. Буни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқдир.



1.2.3. - чизма

Бошланғич синф ўқувчиларининг эстетик тарбиясини шакллантириш учун биринчи навбатда, иқтисодий вазифаларга эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда мактабнинг имкониятлари, синф жихозлари, ўқув адабиётлари, ота – она